

Тарих ҳақиқати шуки, жамият тараққиётини янги босқичга кўтарадиган, ривожланишга асос бўладиган ҳар қандай инновация, янги ғоя ва ташаббус ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Эврилишларга китоб доялик қилган бўлса, кутубхоналар уларнинг бешигини тебратган. Зотан, маърифат сарчашмаларисиз оламу одамнинг мазмун ва моҳиятга ташналигини қондириш имконсиздир...

Шу маънода, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" бош тамойили асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда халқимизнинг мутолаа маданиятини оширишга, китоблар нашр этиш ва тарқатиш соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Зотан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, жаҳон тарихи шундан далолат берадики, ҳар қандай янги цивилизация, янги Уйғонув даври китоб ва кутубхонадан бошланади.



Янги уйғонув даври китоб ва кутубхонадан бошланади

«Бўш чойнак» синдроми

...Оддий айтганда, китобсиз ҳаёт бўш чойнакка ўхшаيدди. Идиши олтиндан бўлса ҳам, ичида ҳеч вақоиси бўлмаса, чанқоқни бошичининг имкони йўқ. Шундай бўлган, ҳаётимизда кутубхоналарнинг туган ўрнини тасаввур қилаверинг. Буни не-не донишмандлар улуғларнинг сўзлари, уларнинг ҳаётда рўй берган ибратли воқеалар, ҳаётий тажрибалар ҳам яққол исботлайди.

Келинг, шу ўринда, биз ҳам уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз. ...Аргентиналик машҳур ёзувчи Хорхе Луис Борхес "Мен жаннатни кутубхонага ўхшатаман", деганда ушбу муқаддас даргоҳнинг аҳамиятини гоё тўғал ифода қилган эди.

Хитойлик файласуф Конфуций ва римлик нотик Марк Туллий Цицерон ўз даврида деярли бир хил фикр билдирган. Улар таъкидлаганидек, "Кимнинг кутубхонаси ва боғи бўлса, унга бошқа ҳеч нарса керак эмас".

Бу борада Шарқ ва Ғарб дунёқарашини ўзаро уйғунлик бор эканлигининг ўзи ҳам қатъа муъжиза, башариётнинг моҳияти битта эканлигини далолат эмасми?!

Камбағал оилада туғилган ва болалиги Буюк инқироз даврига тўғри келган америкалик ёзувчи Рэй Бредбернинг ёрқин келажакга айнан кутубхонадан бошлагани айни ҳақиқат. Ота-ониси молиявий қийинчиликлар туфайли фарзандини коллежга кирита олмагани учун бўлажак адиб ҳар кунги газета мутолаасидан ташқари, асосий вақтини уйи ақинидаги зиё масканида ўтказган.

"19 ёшимда коллежга кира олмадим, чунки оиламиз қашшоқ эди. Пулимиз йўқ эди. Шунинг учун кутубхонага борардим. Ҳафтадаги ўн кун китоб ўқирдим. 27 ёшимда эса университет ўрнига кутубхонани мулкка бепул тамомлаганман", деб ёзади у кейинчалик.

Иждоҳор ҳаёти давомида 800 дан ортиқ асарлар ёзгани, уларнинг аксарияти бестселлер бўлиб, кино қилиниши, ночор болакайдан бой кишига айланиши, "классик фантастика жанри отаси" дея тан олинмишида айнан кутубхона асосий роль ўйнаганини эътироф этади.

Биргина "Фаренгейт бўйича 451 даража" асарини ўқиганлар Бредбернинг истеъдоди ва салоҳиятини сўзсиз тан олишади...

«Ҳис-туйғулар ва эҳтирослар гербарийси»

Француз ёзувчиси Марк Леви "Онанинг ҳаётдан кўз юмishi худди кутубхонанинг ёниб кўз бўлишига ўхшаيدди", деб ёзади.

Унинг ҳамюрти Вербер "Эркинликнинг сири, бу, кутубхонадир", дея таъриф берган.

Яна бир француз донишманди Пол Клодье "Кутубхона, бу — ҳис-туйғулар ва эҳтирослар гербарийси, барча цивилизацияларнинг қуритилган намуналари сақланган идишдир", деса, Артур Шопенгауэр "Кутубхона — инсониятнинг ягона умиди ва бузилмас хотирасидир", дея эътироф этади.

АҚШлик ёзувчи Лев Гроссман "Кутубхоналар узоқ вақт яшайди, китобларнинг қиймати эса вақт ўтгани сайин ошиб бораверади", дея қайд этган.

Америкалик носир Барбара Шер яримчин, яримҳазил аралаш "Мен ҳатто кутубхонада ишлаганман. Биласизми, мени у ердан нега бўшатиб юборишган? Иш пайтида китоб ўқиганим учун", дея таъкидлаганида, китобсеварлик ҳар нарсадан устун эканлигига ишора берган бўлса, не ажаб?!

Аслида ҳам китобнинг ҳиди, сиёҳ, қороз ва тери ифориини ўзида жамлаган кутубхонада қандайдир сеҳр бор, ҳатто у ердаги ғўбор ҳам бошқача. Буни ҳақиқий библиофиллар яхши билади.

Французларда бир ибратли урф бор. Уларда ўқилаётган китоб қиядган либос, минадиган машина, бармоқдаги кимматбаҳо узук, билмадига соатдан ҳам кўра муҳимроқ саналар экан.

Айтишларинча, Францияда аҳамиятига кўра китоб иш ёки йиллик даромаддан анча устун туради. Бу мамлакатда "ҳурматни пулга соғиб олиб бўлмайдил" дейишадил, аксинча, таълим, зиёга чулганган ва яхши таъбага эга жамиятда китоблар ўзаро ало-



қаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, дунёга чиқишда асосий ўрин тутаяди, дея қабул қилинган.

Уларнинг таъбирича, "Китоблар сиз ҳақингизда сўйлайди. Китобли уй — энг қимматбаҳо уйдир. Ҳаётингизда китобларнинг йўқлиги эса сиздаги чўқур ва тушунарсиз бўшлиқдан далолат беради".

Озодликка олиб чиқувчи йўл

Бундан тўрт йил муқаддам Бразилияда ўзига хос бир қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, қизқарғи эксперимент йўлга қўйилди. Яъни мамлакатдаги тўртта қамоқхонада китоб ўқиган маҳкумларнинг жазо муддатини қисқартириш амалиёти жорий қилинди.

Мирдан-сиригача мутолаа қилган ҳар бир адабиёт озодликка чиқинди 96 соат, яъни тўрт кунга тезлаштириб бериши керак эди. Фақат бунинг учун маҳкум "айбни ювиш" дастури рўйхатидан ўрин олган асарларни ўқиши белгилан қўйилди. Уларнинг ичиде бадиий ва ўқув адабиётларига кенг ўрин ажратилди. Ҳудуд муддати ҳам бор — бир ойда битта китоб. Шундай қилиб, бир йилда жазо муддатини бир ярим ойгача қисқартириш имконияти яратилди.

Дастурда иштирок этаётган жиноятчилар эса ўқиб чиққан китоби ҳақида ишро эътибор бериши лозим. Ташаббус муаллифлари бу тажриба жиноятчиларни рустдан ҳам тўғри йўлга бошлашига, уларнинг ҳаётини жиддий ўзгартириб юборишига қўмақ беришига ишон билдиради.

Сан-паололик адвокат, эҳтиёмқандларга бепул қўмақ берадиган Андре Кеудининг фикрига кўра, жиноятчиларнинг аксарияти аслида разил инсонлар эмас, улар ёшлигида етарли таълим-тарбия ололмаган, қашшоқлик ва ноқис муҳит эса уларни қинғир йўлга бошлаган. Бразилиядаги ярим миллион маҳкумнинг бор-йўғи 120 миң нафарга урта таълим маълумотига эга эканлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Аввалига қамоқхона маъмурияти ушбу дастурга ишонсизлик билан ёндашган эди. Буни қарангчи, эксперимент бошланиб, унда қатнашиш истагини билдирганлар рўйхати тузилганда, улар йол-ў хайрон қолишди. Қамоқхонада ҳам китоб ўқиш хоҳишига эга маҳкумлар ниятда кўп эканлиги аён бўлди. Бугунга келиб эса мазкур ғоя ўз самарасини бераётгани аён қилинди...

Ироқда қадимдан бир яхши анъана сақланиб қолган. Яъни китоб дўхдорлари эгалари ўз китобларини кўчалар бўйларига, йўлакларда шундайлигича, ҳимоясиз қолдириб кетарди.

"Нега бундай?" деб сўралса, бунга дўхдорлар ҳам, харидорлар ҳам битта мақол билан жавоб беради: "Китоб ўқийдиган одам ўйрламайдил, ўри китоб ўқимайдил".

Кўхна даргоҳлардан садолар

Аслида кутубхоналар илдизи анча кўхна. Уларнинг орасида энг қадимгиси ва машҳури Александрия кутубхонаси ҳисобланади. Шарқда эса Бағдоддаги "Байт ул-җимка" кутубхонаси ўз даврининг маънавий тожи бўлган. Уни Хорун ар-Рашид ва Маъмун Анкара, Умурийя ва Қибриони фатҳ қилганларда қўлга киритган китобларни таржимага қилиб ёзишарди. Ибн ан-Надимнинг айтишича, Маъмун билан Рум ҳукмдори ўртасида ўзаро алоқа бор эди. Маъмун уни айрим урушларда мағлуб этган бўлиб, ўрталарида

тузилган сулҳга кўра, Рум ҳукмдори ўз хазинасидаги китобларни таржима қилишга Маъмун жўнатган олимлар учун ружсат бериши керак эди. Рум ҳукмдори ҳам ушбу шартни бажонидил бажарарди. Ҳали ҳоким ғалаба учун ўз миллатининг фарзандларига мамлакатига келтирилладиган илмий китоблардан кўра қийматлироқ нарсани кўрмади. Тарих сўзлаган бундан ҳам буюқ ҳодиса борми?" деб ёзилади манбаларда.

Урта Осиёнинг қадимги кутубхоналарига оид методик-библиографик маълумотномага кўра, Ўзбекистон ҳудудида миллдан аввалги 1 миң йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Қайд этилишича, Марказий Осиё ҳудудида йирик сулолавий кутубхоналар, масхид-мадрасалар қошида қироятхоналар бўлган.

Масалан, IX-X асрларда Бухоро кутубхонаси машҳур эди. У ўз даврида жуда бой фондга эга сиёсий ва маданият маркази ҳисобланарди. Мазкур даргоҳда машҳур табиблар — юнон Гиппократ, пергамлик Клавдий Гален, римлик Архиген, Троян Рүфус, исқандариялик Бавлус, шарқлик Абу Бақр Муҳаммад бин Закарийя ар Розий, Аббосийлар сулоласининг сарой табиби Ибн Мусовийх, бағдодлик Исо ибн Али, Исо ибн Яхъ, ҳинд Чарак Ҳиндий, яҳудий Басрали Ибн Мосаржовийх кабиларнинг асарлари сақланган. Арасту қаламига мансуб қўлёзмаларнинг асл нусхалари, уларнинг араб тилидаги таржималари, юнон файласуфларининг Хусайн бин Исҳоқ томонидан араб тилига ўтирилган асарлари, араб тилида ёзган файласуфлар Абу Юсуф Ёқуб бин Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср Форобий ва бошқа мутафаккирларнинг ижод маҳсуллари ҳам бор эди.

Йирик сулолавий кутубхоналар Хоразмда ҳам мавжуд эди. Масалан, Хоразм шоҳи Маъмун ибн Маъмун кутубхонасида китоб йиғиш араблар келишидан анча олдин бошланган. Бу кутубхонани бошқариш машҳур адабиётшунос ва тарихчи ас-Салибийга топширилган.

Кутубхоналар буюқ шахслар мулкот қилган тарихий даргоҳ ҳамдир. Масалан, Хоразм

расида ҳам ўрнат қўрсатганлар. Манбаларга кўра, Соҳибқирон даврида Самарқанд шаҳридан китоб олиб чиқиш мам эълан, китоблар тенгсиз бойлик сифатида қўрилган. Амир Темур аввал киндик қони томган юрт — Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти — Самарқандда сарой кутубхонаси ташкил қилди. Амир Темурнинг сарой кутубхонаси учун бутун Мовароуннаҳр бўйлаб китобфурушлар ва шахсий кутубхона эгаларидан машҳур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхалари сотиб олинган. Кутубхонада қўлёзма кўчириш, китобларни безатиш ишларини миллий китоб санъатининг моҳир усталари қилган. Самарқандда араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилларида кўпга бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Истанбул, Брюсс, Исфохон, Ҳаммадон, Шероз, Бағдод, Басра, Дамашқ каби қадимий маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган эди. Олимларнинг таъминини, Амир Темур Самарқандга Басрадан VIII асрнинг биринчи чорағиде Кувий хати билан кўчирилган Куръони қарининг нусхасини олиб келган.

Соҳибқирон кутубхонасидан фақат сарой вакилларига эмас, балки муайян гуруҳдаги китобхоналар ҳам фойдаланган. Китоблар фан соҳалари бўйича рўйхатга олиниб, сандикларда сақланган. Бу тартиб китобларни ҳисобга олиш учун эмас, балки фойдаланиш осон бўлиши учун ҳам ўрнатилган.

Амир Темурдан сўнг унинг ноёб кутубхонаси набираси Улугбекка мерос бўлиб қолган.

«Жонли кутубхона»

Соҳибқирон ўз ҳаётининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказди, бундай юришларнинг баъзиларида Улугбек ҳам қатнашди. Сафар вақтида ҳар нарсани билиб олишга қизиқувчи бўлган султон ўзига хос "кутубхона"дан фойдаланган. Бу "жонли

кузатишлар методикаси берилган. Шунинг учун Мирзо Улугбек фан тарихига буюқ астроном сифатида кирган.

Библиографик маълумотларга кўра, теурийлардан Шоҳрух Мирзо, Бойсунқур Мирзо ва Хусайн Бойқаронинг кутубхонаси ҳам адабий-бадиий, илмий китобларнинг хилмахиллиги ва сонини жиҳатидан Амир Темурнинг Самарқанддаги кутубхонасидан қолдирилган.

Масалан, Бойсунқур Мирзо Ҳиротда улкан кутубхона таъсис этади. Унда қирқ нафар етук хунарманд хушнамуд хаттот Маълоно Жаъфар Табризий раислигида китобат билан машғул бўлиб, китобат учун лозим ҳисобланган варроқлик, саҳроқулқ, тасвир, таъзиб, тажлил, вассолик, заррафонлиқ ва бошқа нафосат, бадиий санъат ижоди билан шуғулланган.

Уша давр тарихнависларининг эътирофига, шу 40 нафар хунарманднинг ҳар бири замон ажибаси, даврон нодираси бўлган. Бойсунқур Мирзо кутубхонасини нафис санъат академиясига ўхшатиш мумкин. Чунки бу ерда фақат китоб кўчириш билан шуғулланибгина қолмай, нодир қўлёзмаларнинг илмий танқидий матнини тиклаб, тасвирли альбомлар ҳам тузилган.

Бойсунқур бошлиқ хунар эгалари Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си турли қўлёзма нусхаларини тўплаб биринчи бор тўлиқ ва мукамал нусхада кўчирган. Мазкур қўлёзма Жаъфар Табризий томонидан 1425 — 1430 йилларда кўчирилиб, мусавирлар уни йигирмата сурат билан беэзаб тасвирлади. Бойсунқур Мирзо "Шоҳнома"нинг мазкур нусхасига муқаддима ёзади ва бу адабиёт тарихида "Бойсунқур муқаддимаси" номи билан машҳурдир.

Ҳозирги кунда Бойсунқур кутубхонасида яратилган китобларнинг аксарии Истанбул ва Тейрон музейларида сақланмоқда.

Маърифий қадрият бардавомдир

Кўрииб турибдики, китобсеварлик бизга аждодлардан қолган муқаддас мерос, бебаҳо қўлёзмада кейинги йилларда китобга, кутубхонага, мутолаа тарғиботига бўлган эътибор тубдан қучайтирилди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев зиёлилар, фан, санъат арбоблари, иждоқорлар ва ёшлар билан мулоқот қилганда, ҳаммаша китоб ўқининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтади.

Давлат раҳбари "Ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, аҳолининг китобхонлик қўниқмасини қанада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратамиз", дея таъкидлаб ўтганда айнан шу бобомерос қадриятни тиклаш, ардоқлашни назарда тутаяди. Хусусан, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини интернет тармоқларига жойлаштириш, уларни кенг тарғиб қилиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилаётгани диққатга сазовор.

Айниқса, бу борада илгари сурилган беш муҳим ташаббус долзарб ҳисобланади. Чунки ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш унинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳўш, унинг ижроси қандай кетаяпти?

Авалло, турли ёш тоифаларида "Ёш китобхон" республика танлови ўтказиб келинмоқда. Унда миллионлаб ўғил-қизлар иштирок этиб, нафақат иқтидорини намойиш қилмоқда, балки ўзаро дўстлашяпти, бирлашяпти. Энг яхши китобхонларга Президент совғаси — "Спарк" автомашинаси тақдим этилиши эса қўлга ёшларнинг мутолаага бўлган қизиқишини рағбатлантираётди.

"Китобхон ўқитувчи", "Энг яхши ёш китобхон оила" танловлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. "Темур тузуқлари билмидони" танлови эса ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида китобхонлик платформасини яратди. Ўз навбатида, юртимизнинг шахаро кишлоқларига "Китоблар қаровони", "Библиобус"лар орқали китоблар жўнатиляпти.

Аммо бугун жамиятда китоб ўқиш ҳолати қай даражада? Кўнглидагидек, деб бўладими? Юртбошимизнинг ушбу сўзлари бунга аниқ жавоб бўла олади: "Худудларга китоб етказиб бериш яхши. Лекин уларни ўқиш, ўқитиш етарли даражада эмас. Болаларимизни боғча ёшдан, бошланғич синфлардан кичик-кичик

Халқ сўзи Народное слово

ТАНЛОВИГА

Китобларга ўргатиш, шу орқали уларни китобсевар этиб улғайтириш зарур. Шундан жамиятимизда китобхонлик муҳити шаклланади, бошқалар ҳам китоб ўқишга қайтади".

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати қўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори дастуриламал ҳисобланади. Зеро, унга мувофиқ, 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳамда чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг икки фоизи Ахборот-кутубхона маюссаларини ривожлантириш жамғармасига ажратилиши, миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона маркази ташкил этилиши белгилан қўйилди. Бундан ташқари, давлат ташкилотларида, жумладан, ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналарни йўлга қўйиш, такомиллаштириш, уларнинг китоб фондини мунтазам янгиллаш ва тўлдириб бориш кўрсатиб ўтилди.

Соҳада беиннат меҳнат қилаётган ходимларни қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборда. Юртимизда 21 май — Ўзбекистон Республикаси ахборот-кутубхона тизимини ҳодимлари кун, деб белгиланди. Кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини унутмасдан китобхоначилар ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу йўлдаги иштироки қатъий давом этирилиши ҳақида тўхталиб ўтар экан, жорий йилда машҳур япон архитектори Тадао Андо лойиҳаси асосида янги санъат музейи, замонавий кутубхона ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланишини маълум қилди. Бу йирки лойиҳа Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланадиган йилда амалга оширилиши режалаштирилаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Авалло, ўзингиздан бошланг!

Хуллас, бугун юртимизда китоб ўқиш учун барча имконият яратиб берилляпти, ҳатто китобсеварлик рағбатлантирилмоқда. Қолгани эса фақат ўзимизга боғлиқ. Бугун ушбу масалага "Ёшлар ўқимай қўйди" деб эмас, "барчамиз китобни севамиз!" деган тамойил асосида ёндашиш вақти келди.

Мақоламизнинг хулоса қисмида танлик ёзувчи ва бизнесмен Олег Ройнинг қўйидаги долзарб фикрларини келтириб ўтиш ўрнини, деб ҳисоблаймиз.

"Китоб ўқишга муҳаббат оиладан, туғилган кунлар ва байрамларда китоб совға қиладиган оналар, оталар, боболар, момолар, қариндошлардан бошланади. Бу одат мутолаа қилишга интилоқ, сезимли китоблар ва уйда ичмак кутубхонаси бор оилада қуртак ёзади. У файллар, "скринлар"дан иборат электрон эмас, балки жа-вонларда танланган, саҳифаларига белги қўйилган босма шаклда бўлиши керак.

Китоб ўқишга меҳр оила нуношта, тушлик ва кечки овқат ёки яқинбада дастурхонини қаршидада йиғилганда, сиёбат ёки қандайдир шов-шувлар ҳақида эмас, балки мутолаа қилинган китоблар, экранлаштирилган романлар ҳақида суҳбатлашганда уйғонди.

Китобга муҳаббат матн ортида фақат ҳарфлар эмас, балки маъно тўғрнда, агар мазмун тушунарсиз бўлса, оила даврисида муҳокама қилинганда пайдо бўлади. Бундай пайтда китоб оила аъзосига айланади ва шунда "Ёшлар нега ҳам ўқияпти?" деган саволга ҳоҳат қолмайди. Доим ўзингиздан бошлангизки керак: сиз ўқисангиз, болаларингиз ҳам ўқийди".

Мансур ЭШОВ, ТДИУ ўқув ишлари бўйича проректори, иқтисодий фанлари доктори.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоис келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тажрибали келган қўлёзма тарғиб қилинмайдан ва муаллифга қайтарилмайдан.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган танкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмурадова томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбахчи муҳаррир — Д. Соликов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.02 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6